

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
ЖУРИДИК КРИМИ

2022 йил октябрь ойининг 21 куни, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида, вилоят судининг ўз биносида,

Раислик қилувчи – жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси С.Умаров, судлов ҳайъати судьялари У.Очилов ва У.Мамадалиевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Исроиловнинг котиблигида, вилоят прокуратураси бўлим прокурори А.Исмоилов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат И.Жураев ҳамда жабрланувчи З.Усмоноваларнинг иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишини судланувчи [REDACTED] томонидан келтирилган апелляция шикояти асосида апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2022 йил 13 июлдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED] туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-кисми “г” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги “...Амнистия тўғрисида” Қарорига асосан тугатилган;

2) Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2013 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-кисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида, 1.591.800 сўм жарима жазоси тайинланган, шу суднинг 2014 йил 23 январдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрь кундаги “...Амнистия тўғрисида” Қарорига асосан жазодан озод этилган;



3) Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2020 йил 11 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2021 йил 24 сентябрдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддаси билан осон ўталмай қолган 2 йил 3 ой 22 кун жазоси шу муддат иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Бекобод шаҳар ИИО Пробация гуруҳининг 2022 йил 19 мартдаги 25/28-104-сонли маълумотномасига кўра, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 2 йил 22 кунни ташкил қилади, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 13-даҳа, 2-уй, 14-хонадонда доимий рўйхатда туриб, вақтинча 3-даҳа, 10-уй, 6-хонадонда яшаган, 2022 йил 11 апрелда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 12 апрелда “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 27 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 йил, 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан 5 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ой, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ, жазони ўташ муддатини 2022 йил 11 апрелдан бошлаб ҳисоблаш белгиланган ва унга нисбатан танланган қамоққа олиш эҳтиёт чораси аслича қолдирилган.

Судланувчи [REDACTED] жабрланувчи З.Усмонова фойдасига 72.073.848 (етмиш икки миллион етмиш уч минг саккиз юз қирқ саккиз) сўм ундириш;

- давлат фойдасига [REDACTED] 10.920.280 (ўн миллион тўққиз юз йигирма минг икки юз саксон) сўм ҳамда И.Аслановдан 2.184.056 (икки миллион бир юз саксон тўрт минг эллик олти) сўм ундириш белгиланган.

Манфаатдор шахсларга етказилган қолган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласи, шунингдек бошқа масалалар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво келтириш ҳуқуқи борлиги тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига кирувчи фирибгарлик ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи пора беришга далолат қилиш жиноятларини қуйидаги вақт, усул ва ҳолатларда қасддан содир этган. Жумладан,

1-эпизод. [REDACTED] 2021 йил тахминан декабрь ойини ўрталарида Бекобод шаҳар, 14-даҳа ҳудудида жойлашган чорраҳани олдида



ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида,

ишончига кириб, унга Бекобод шаҳрида жойлашган “Ўзметкомбинат” АЖда танишлари борлигини ва шу танишлари орқали уни “Ўзметкомбинат” АЖга 2.000 АҚШ доллари эвазига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, ишга киришдан аввал 1.000 АҚШ доллари, кирганидан кейин 1.200 АҚШ доллари беришлигини айтиб, ундан 1.200 АҚШ долларини қўлга олиб, ушбу пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юб

Норма.уз сайтидан олинган маълумотга кўра, 2021 йил тахминан декабрь ойини ўрталарида 1 (бир) АҚШ доллари ўзбек сўмига нисбатан 10.845 сўм қийматда бўлганлиги, 1.200 АҚШ доллари 13.014.000 сўм эканлиги кўрсатиб ўтилган.

2-эпизод. Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда 2021 йил тахминан декабрь ойини ўрталарида [REDACTED]

[REDACTED] ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] яшовчи 1991 йилда туғилган Асланов Икромжон Хусановични моддий имкониятга эга эканлигини билиб, унга “Ўзметкомбинат” АЖда танишлари борлигини ва ушбу танишлари орқали “Ўзметкомбинат” АЖга 2.000 АҚШ доллари эвазига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, ишга киришдан аввал 1000 АҚШ доллари, кирганидан кейин 1000 АҚШ доллари беришлигини айтиб, [REDACTED] 1.200 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган “Ўзметкомбинат” АЖ мансабдор шахсларига беришга қизиқтириб пора тариқасида олган.

3-эпизод. Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2022 йилнинг февраль ойи охирида фирибгарлик йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкини қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] яшовчи 1973 йилда туғилган фуқаро [REDACTED] ишончига кириб, унга бир хоналик яшаш хонадони [REDACTED] и сотса, унинг ўрнига 3 хоналик уй сотиб олиб беришини айтиб алдаб, [REDACTED] яшаш хонадони [REDACTED] 1987 йилда туғилган фуқаро [REDACTED] ековичга 6.600 АҚШ долларига сотилишига эришган.

[REDACTED] 5 ой муддатга ижара асосида олиб, З.И.Усмоновага шу хонадонни унга пулини бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиб берганлигини айтиб, ундан 6.600 АҚШ доллари миқдоридаги пулни алдов йўли билан олиб, ушбу 6.600 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Биринчи инстанция суди юқоридаги Қонун талаблари ва Пленум Қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи [REDACTED]



нисбатан жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра оғир жиноятлар тоифасига киришини, оилавий аҳволини, айбига қисман иккорулигини, содир этган қилмишидан пушаймонлигини, жиноят натижасида етказилган моддий зарар қопланмаганлигини, шахсини, аёл киши эканлигини, муқаддам ҳам шу турдаги жиноятни содир қилганини учун судланиб, жазони ўташ даврида қасдан янги жиноят содир қилганини инобатга олиб, айбли деб топилган моддалар савдо доирасида ҳамда ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибидан қилган қилмаслик озоликдан маҳрум қилиш маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 42-бандида, агар жиноий қилмиш квалификация қилинаётган қонунда қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, уни фақат ЖК 57-моддасида назарда тутилган ҳоллар мавжуд бўлганда қўлламаслик мумкин бўлиб, бундай қарор ушбу моддага ҳавола қилинган ҳолда ҳукмда асослантирилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди судланувчи [REDACTED] ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ва қўшимча жазо тайинламаслик ҳақида хулоса қилган бир вақтда, ЖКнинг 57-моддасини қўлламасдан хатоликка қўл қўйган.

Судлов ҳайъати мазкур хатоликни бартараф қилиб, судланувчи [REDACTED] ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>13</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>30-31</sup>-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

[REDACTED] нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2022 йил 13 июлдаги ҳукми ўзгартирилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

С.Умаров



Ҳайъат судьялари:

У.Очилов

**Protected by PDF Anti-Copy Free**  
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

У.Мамадалиев



Ҳужжат имзоланган: Мамадалиев Улугбек Балкибаевич, 26.10.2022

